



**Абу Муслим. Асранди бола ноласи (қисса)**



Ёмгир ёгаяпти. Кўнгилга умид, хаётга ишонч, атрофга мухаббат уйготадиган бахор ёмгири эмас, изтиробли, махзун хотираларни эсга соладиган изгирин куз ёмгири. Дераза олдида ёмгирни кузатишни яхши кўраман. Аслида бу хиссиёт калбимга қачон ўрнашганини билмайман, тўгриси. Балки болалигимдан кўзимдаги ёшларни бировга кўрсатмагани учун ёмгирни яхши кўриб колганмидим. Ёмгир ёккан кунлар бола кўнглим алланечук изтиробга тўлар, осмонга кўшилиб мен ҳам йиглагим келарди. Йиглардим. Мактабдан кайтишда йўл бўйи калбим билан йиглаб уйга келардим. Сочларимдан

томаётган томчилар юз-кўзимни хўл килар, ўксиб-ўксиб йиглаганимни биров билмасди. Балки ёмгирдан вафо кўрганим учун уни бу кадар яхши кўриб колганмидим?..

Болалигим дейману, аслида мен тугилибок улгайганман. Кисматим улгайишга мажбур килган. Болалигимда ёмгир мен учун дард ва согинч, изтироб ва кайгу, хўрлик ва алам томчилари эди. Шундай бўлса-да, ёмгир ёғишини интик кутардим. Баъзан узок кутганим ёмгир ёғмаса ўзимни буткул етим хисоблардим. Буткул...

Дарвоқеъ, мен ота-онасиз етим эдим. Етимлик ва асрандилик... Кўш дард муштаккина юрагимнинг икки ёнини тўлдириб, ўртасида факат армонга жуда тор бўлган жой колдирганди. Буни ёшлигимдан билганим боисми, менга жуда огир бўлган. Билганимдан билмаганим яхши эди, бироқ афсуски, билардим ва изтироб чекардим. Атрофимдагилар мени хафа килиб кўймасликданми ё бошка сабабданми етим, асранди эканимни менга билдирмасликка ҳаракат килишарди. Ўзим ҳам бировга бу хакида билдиришни истамасдим. Бироқ мургак рухим билан ўзим колганимда юрагим ёнарди, ичимни алам ачитиб, кемтиклик куйдирарди. Бу изтиробни етимликда ўсганлар хис этадилар. Хеч қачон бахтли бўлолмасам керак деб ўйлардим. Нима килай, бола эдим, гўр эдим-да, инсон тўқис бахтга эришмоги учун факат ота-онали, бутун оилада тугилиб улгайиши керак деб ўйлардим. Мен кейин англадим, хаёт хакикатини, умр мохиятини кейин англадим. Бу дунё ва охиратда тўлик бахтли бўлиш учун Аллох таолога ибодат килиб, Унинг розилигига эришмоқ керак. Инсон учун факатгина Роббисининг розилигига эришиш саодат эканини, бу саодатга солих ва комил феъл, хусну хулк, гўзал амали борлар эришмоги мумкинлигини кейинчалик англадим. Ва яна англадимки, етимлик мен ўйлаганчалик бахтсизлик ва мусибат эмас, балки Парвардигорнинг синови экан. Мусо алайхиссалом етим ва ташландик бўлгани билан Аллох таоло у зотни улуг пайгамбарлардан килди. Расулulloх соллаллоху алайхи вассалом ҳам етим эмасмидилар? Не-не буюк авлиёлар, алломалар, комилу фузалолар етимлик жафосини тортганлар. Биз хусну хулклари, илму иймонларига хавасда бўлганимиз кўп даҳолар етимлик изтиробларини чекканлар. Балки Аллох бу кемтикликни Ўзининг олдида даражаси улуг ва ахлоки мукамал инсонларга раво кўргандир?

Етим ўсган боланинг ҳар бир охи, нигоҳи шу бир саволга кадалган ва бир ўй атрофида айланган бўлади: “Менинг ота-онам ким?” “Нега мен бировларнинг кўлидаман?” “Нега бундай? Нега айнан мен?” Албатта, буларнинг ҳаммаси тақдирда ракам килингани, ҳатто пайгамбарлар ҳам етим ўсганлигини кейинчалик, Исломни таниб била бошладим, калбим хотиржамлик чашмасини топгандек бўлди. Киёмат муҳаққалигининг яхши тарафи шу эканки, бу дунёда сир бўлиб колган нарсалар очилар экан. Хақикий дийдор ўшанда бўлади, ота-онасини кўра олмаганлар киёматда кўришади, иншааллох. Бу хақиқатлардан хабар топган онимдан бошлаб, етимлар киёматга кўпроқ интизор яшасалар керак, дея ўйлайман. Киёмат кунининг подшоҳи — Аллох таоло ҳар бир банданинг заррача амалларини ҳам колдирмай хисоб-китоб килади. Бировнинг ҳақи бировда қолиб кетмайди. Синовни Ўзи беради, биз уни тақдир деймиз ва тақдирга тан берамиз. У Зот меҳрибонлигини кўрсатиб, огир қисматнинг юқини енгиллатиш учун сабру жамил ҳам ато этади. Ва охиратда муқофот билан ҳам сийлайди...

Айтишларича, тугилганимдан бир неча кун ўтиб, онам рахматлик тугурукхонада вафот этган экан (Аллох таоло шаходатларини хусни кабул айласин!). Отамиз эса тушкунлик важданми ё бошка бирор рўкач биланми, мени тугрукхонадан олиб чикмаган эканлар. Бир ойча тугрукхонада фарзанд кўрган аёлларнинг сути билан озикланиб яшаган эканман. Сўнг яхши одамлар бокиб олишган... Кейинчалик билсам, отамиз икки катта акамизни мактаб-интернатга берган эканлар. Опам ва энди икки ёшга тўлган кичик акамни рахматлик онамизнинг ота-оналари ўзларига олишган экан. Онамизнинг ўлими билан катта бир оила парчаланиб кетган экан. Кейинрок эса отамиз бошка турмуш килган эканлар. Албатта, онасиз колган болаларнинг додини, ох-ноласини ким хам эшитар эди? Тўгри, отамизнинг уйланишга тўлик хаклари бўлган. Отамни садокат, вафо ва меҳрдан юз ўгирди, деб айблай олмайман. Бунга хакким хам йўк. Ўзлари нимани тўгри деб билган бўлсалар, шуни килганлар. Хар ким килганига яраша ўзи жавоб беради. Айтганимдай, хар бир сирнинг очиладиган куни, мавриди бор — Рўзи машхар. Отам нега бундай килганлари мен ва жигарларимга ўша Кундан очикланади.

Болалигимда кўп йиглардим. Айникса, мана шундай ёмгирли кунлар бўлса менга Худо берарди. Хўрсиниб-ўксиниб йиглардим. Баъзан оёкларимни ерга уриб, баъзида эса сўзсиз кўз ёш тўкардим. Кейинрок, ёшим ўндан ошгач, йиги хам колмади, йиглаш нималигини унутиб хам юбордим. Кўз ёшсиз, ич-ичимдан йиглайдиган, хасрат чекадиган бўлдим. Гам-кайгуларимни ўзгаларга кўрсатмасликка харакат килардим. Аммо хар доим, хамма вақт ота-онамни кўмсар, согинар, улар билан дийдор кўришишни истар эдим. Бу илинж мени бир сонияга бўлсин тарк этмаган.

Уларни топсам, дийдор насиб этганида айтмокчи бўлган дил сўзларимни ўзимча пухта ўйлаб, гап-сўзларни ич-ичимдан тайёрлар, кунига тайёрланган сўзларни ичимда такрорлардим. Вақт эса шафкатсиз тарзда тез ўтар, мен хануз хижрон ўтида ёнар эдим. Кўрмасдан севганларимнинг дийдорларига етишиш хеч насиб килмасди. Ёшим киркни коралаб, кексалик остонасига якинлашганим сари умид учкунлари хам сўниб бораётир эди.

Гўдакликдан етимликнинг огир юкини кўтарган бўлсам хам, Аллох таоло Ўз раҳматига олган эди. Яхши одамлар кўлида ўсиб-улгайдим, ўкидим. Уйлантириб кўйишди. Уйлик-жойлик, бола-чакалик хам бўлдим. Бирок чидаб бўлмайдиган, шиддатли олов каби куйдираётган, етиб бўлмайдиган армоним калбимни асир этган эди: “Мен хам ўз ота-онамни кўраманми? Улар ким? Нега бундай бўлган?”, “Мендек гариб, калби ўксиклар хам мендек азоб чекадиларми?”...

\*\*\*

Мен кабилар кам эмаслигига умр йўлимнинг хар бекатида амин бўлиб боравердим. Ахрор исмли танишим бўларди. Бадавлат хонадоннинг ягона фарзанди бўлган бу йигитга кўпчилик тенгдош дўстлари хавас билан қарар, тўкин хаёт илинжидаги кизлар эса

ошкора унга мойиллик билдирардилар. Ўша пайтларда бизга галати туюлгани шуки, Ахрор бадавлат оила фарзандларига хос бўлган мутаккабирлик ва манманликдан узок, тиришкок, илмга иштиёки баланд эди. Ўқишни тугатиб, хамма ўз йўлидан кетган эди. Бир куни илмий ишим юзасидан Ахрор билан учрашишга тўғри келди. У хам ўқишни хориждаги нуфузли таълим даргохларидан бирида давом эттириб, юртга қайтиб илм билан шугулланаётганидан хабарим бори эди. Кундузи иш билан бандрок эканми, кечкурун уйига ўтишимни кайта-кайта такрорлади. Окшомга якин манзил бўйича айтилган жойга бордим. Эшикни ок либос кийиб, оппок рўмол ўраган, ёши улуг мунисгина онахон очдилар. Салом-алиқдан сўнг, меҳмонхонага чорлаб, тузоклик дастурхонга даъват килдилар. Бу орада эшикда кучок очган Ахрор кўринди. Дўстим билан иш, хаёт, бола-чакаларимиз хақида узок сухбатлашдигу хаёлим мени эшик олдида каршилаган аёлда бўлди. Бир кўнглим “Кайнонасимикан?” деган ўйга хам борди. Бирок аёлнинг юз-кўзи дўстимга ўхшар, хар замонда “Болагинам” деб бизга чой олиб кираётган аёлнинг самимияти юрагимда мудраб ётган онамга бўлган согинчни уйготарди. Ўйга ботганимни Ахрор сезибди, чоги кулимсираб гап бошлади:

— Булар онам бўладилар...- Собик курсдошимнинг ота-онаси таниганим учун хайратимни тилимга кўчиргани улгурмай кўшиб кўйди: - Ўз туккан онам...

## **АХРОР ХИКОЯСИ**

Мен асранди бола эдим. Бокиб олган ота-онам — амаким ва келинойим ўн беш йил фарзанд кўришмаган. Бу орада ота-онам турмуш куриб, тўрт фарзандли бўлганлар. Онам бешинчи фарзандлари — менга юкли бўлганларида кайноналари – бувим болани дунёга келтириб, онам- келинойимга беришларини, шундай килмасалар, тўрт боли бўлишларига карамай, ажратиб юборишрини айтиб тахдид киладилар. Онам боякиш тўрт ака-опам ва оилаларини ўйлаб, юраклари какшаса хам бу шартга кўнадилар. Тўккиз ой хомила кўтариб, тугрукхонага бориб, фарзанд дунёга келтирадилар-да, чакалоklarини овсинларига кўш кўллаб бериб ўзлари курук кўл билан уйга кайтадилар. У кезларда иккала ота-онам хам кўшни яшашган экан. Онам кечалари кўкракларига сут тўлиб, шишиб кийналаб чикар, ярим тунлари бизнинг ховлимизга ўтиб очликдан чиркираб йиг лаётган менинг овозимни эшитиб хўнг-хўнг йиглар эканлар. Бир-икки марта онамни бизнинг ховлида кўргач, ота-онам шахарга кўчиб келишга мажбур бўлишади. Отам — амаким рахматли:

— Кишлоқда сенинг асранди эканингни, бизга Аллох тирнок бермаганини хамма биларди. Мактабга борганигда, кўча-кўйда бирор ким айтиб кўймасин, деб шахарга кўчиб келдик,- дегандилар. Отамнинг ишлари яхши эди. Биз яхши яшардик. Лекин негадир ота-онам кишлоқка кўп боришмасди. Ўша пайтларда мен бунинг сабабини тушунмасдим. Кейинчалик, мени ўз ота-онамдан кизганиб кишлоқка боришдан тийилганларини англадим. Бу орада мактабни битириб, талаба бўлдим. Ўз ота-онамга “амаки”, “келинойи” деб мурожаат килардим. Биринчи курсда ўкиб юрган кезларимиз,

момом — отамнинг оналари бетоб бўлиб колдилар. Хасталиклари охират сафари олдидан тараддуд эканини англаган момо менга хакикатни айтишга карор килибдилар...

Ўша кундаги холатим бир умр эсимдан чикмайди. Мен ота-онаси тирик бўла туриб, бегона хонадонда улгайганман. Ўша кезларда ота-онамни ҳеч кечиролмасдим. Онам йигладилар, отамнинг бошлари куйи солинди. Момом раҳматли ўшандан кўзлаган максадларини очик-ойдин тан олдилар:

— Болам, ҳар канча айблов бўлса менга кўйгин. Чунки, онанг менинг зулмимга қарши боролмай сени овсинига тутказган бўлса, отанг онасининг гапини икки қилишга журъат қилолмагани учун зурриётини жигарига фарзандликка берди. Сени беришмаганида ҳам ота-онанг бола асраб олиши керак эди. “Дет дом”дан бегона, насл-насабининг тайини йўқ болани асраб олиб, огиз-бурнини қон қилмасин дедим. Боламнинг йигиб-тергани, молу давлати ўз жигарининг зурриётига қолсин дедим...

Тўгри, ўша пайтларда бу гапларнинг мохиятини тушунмасдим. Барибир ўз ота-онамдан ҳам, асраб олган ота-онамдан ҳам ранжиб юрдим. Бу орада ўқишни тамомлаб уйландим. Ўқишимни хорижда давом эттириш учун кетдим. Қутилмаганда отам — амаким вафот этдилар. Юртга қайтдим. Онам ёлғиз қолганлар учун ўқишимни кечиктиришимга тўгри келди. Афсуски, отамнинг вафотларига олти ой тўлиб тўлмай онам — келинойим ҳам вафот этдилар. Ундан кейин оиламни ҳам хорижга олиб кетиб, ўқишни давом эттирдим. Қайтганимдан сўнг, ўз ота-онамни Ҳаж зиёратига жўнатдим. Дунёдан ўтган ота-онам — амаким ва келинойимга “ҳажжи бадал” атадим. Онам тез-тез уйимизга келадилар.

— Болалигингда бермаганим, беришга имконим бўлмаган меҳримни беришга улгурайин,- дейдилар.- Авваллари ота-онамдан жуда ҳафа бўлардим. Улгайиб, ўзим ота бўлиб ота-онамга жуда қийин бўлганини, ўзинг тирик бўла туриб, болангни бировга бериш ва қўл-оёгинг боғлиқ бўлиб, болангни багрингга босишдан маҳрумлик таърифлашга қийин укубат эканини энди қилипман...

Ахрорнинг хикоясини жимгина эшитдим. Сукутда... Мен ҳам айна шу изтиробдан бебаҳра эканимни билдирмадим, албатта. Аммо барибир Ахрор мендан кўра анча саодатли ва ҳеч нима йўқотмагандек туюлди дардим олдида. У хакикатдан хабар топган, яқинлари, жигарлари билан алоқа ўрнатган ва ўз амакисининг тарбиясида улгайган. Мен бўлсам... Тўгри, ота-онам ҳеч қачон мендан бирор нарсани қизганмаганлар. Меҳр, гўзал тарбия, одоб, илм олишимга имкон. Балки ўз ота-онам бағрида улгайганимда булар менда ҳозиргидек бўлмаслиги ва ёки бугунгидек яхшилар, олиму фузалолар даврасида бўлмаслигим мумкин эди, деб кўп ўз-ўзимга таскин беришга уринаман. Бирок кўнгил яралар жароҳатига етарли малҳам бўлолмайди бу таскинлар... Ахир, мен отам, онам, жигарларимни бир мартагина бўлса-да қўрмаганман. Баъзан бу дийдор Киёматга қолганмикан, деган ўйдан қўнглим тирналади...

\*\*\*\*

Асранди бўлганим учунми, хар доим мени асранди ва етим болалар, уларнинг хаёти, қисмати кизиктиради. Аксарият холларда асраб олинган болалардан хақиқат — насл-насаби сир тугилади. Бу уларга нисбатан қилинган жуда катта адолатсизлик хисобланади. Хаттоки, зулм даражасида! Манбаларни титиб, бир йилда ўн мингга яқин бола онаси томонидан тугрукхоналарда ташлаб кетар экан. Болалар шифохоналарида ота-оналари ташлаб кетган қирк мингга яқин чакалоқлар қайд этилгани эса ниҳоятда изтиробли. Жуда кўп болалар Совет иттифоқи даврида тугрукхона ёки болалар уйининг ўзидан асраб олинган. Хозир ушбу болаларнинг ёшлари ўттиздан элликка бориб қолди. Ишончим қомилки, уларнинг ичида диндошларим ҳам бор. Болаларни асраб олиш жараёнида ушбу болаларнинг энг муҳим ва азиз нарсасини – ўзи хақида билиш ҳуқуқи тортиб олинган. Мен бола асраб олиш сирини назарда тутяпман, яъни бунга кўра, боланинг хақиқий маълумотлари сир сакланади; яна ўзлари тасодифан хақиқий фарзандлари эмаслигини билиб қолганлар хақида. Хатто, асранди болаларга асраб олган одамларнинг ўзлари айтган бўлса ҳам. Улар қандай қилиб хақиқатни билгани муҳим эмас. Хақиқий исм-шарифлари, тугилган жойлари, таваллуд топган қунлари ва қандай тугилганларини билмайдиган, ўзларининг хақиқий ота-оналари, ака-укалари ва опа-сингилларини билмайдиган асранди болалар улгайиб, вояга етиб қолди. Катталар ўзларининг ихтиёрларига кўра қарор чиқариб қўйган болалар. Қимдир ташлаб кетган, қимдир эса жойлаб қўйган, қимдир эса бошпана берган. Бирок, бу болалар учун қилинган хайрли ишлар - уларнинг хақиқий ота-оналарининг исмларини яшириш учун сабаб бўла олади-ми, ахир?

Бола асраб — асраб олувчи ва асраб олинган ўртасида ота-она ва фарзандларга ҳос бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнатилиши. Жамиятимизда аксар одамларнинг фикрига кўра, ўзларининг биологик (хақиқий) ота-оналарини излаётган болалар ношукр хисобланади. Жамият уларнинг ҳолатини хис қилиб кўришни истамайди. Аксинча, улардан ўзлари хақида хақиқатни билишни истаганлари учун тавба қилишлари кераклигини талаб қилади, ажабо. Ўз томирларини излаётган, асраб олинганлар нималарни эшитмаган дейсиз: “Сен ҳеч қимга керак бўлмаганингда, сени оилага олишди, энди бу қилганинг нимаси?”, “Алкашлардан бошқа, қимни ҳам топа олар эдинг?”, “Хали шундайми, болалар уйида яшаб кўрганингда сени асраб олганларнинг қадрига етган бўлардинг!”. Бу маломатларнинг энг оммабопи: “Туккан эмас — боккан она!” деган мақолнамо ибора. Балки қайсидир маънода бу гап ҳам ўз исботини топар, лекин бу дегани асранди болани аслиятидан айириш дегани эмас-да. Жамият олдиндан уни тарбия қилиб олган оилага ёмон муносабатда бўлгани учун ёки унинг яхшилиқларини инкор қилиш учун асранди бола ўз қариндошларини изламоқда, деб ўзича ҳулоса чиқариб қўйган. Бу ҳулосасига “Етим кўзи боксанг оғиз бурнинг мой бўлар, етим бола боксанг оғиз-бурнинг қон бўлар!” дея нисбатлайди. Қим учундир бу иборалар қофияси келишган мақол бўлиб туюлар, аммо асранди, етим болаларнинг юрак-бағрига наштардай ботиб, жароҳатининг қонини кўзларидан оқишади. Гофил бандалар Аллоҳ ярим қилган қўнғилни тили билан қил-қил синдиришдан ҳаё қилмайдилар. Гўёки, минг йил яшаш вақолати қўлларидан. Гўёки, Аллоҳнинг синовлари, мусибатларидан тўла ҳимояланганлар...

Жамият ўзининг хакикий ота-оналарини асраб олувчиларнинг розилиги билан излаётганлар хакида нима дейди? Бир таниш кизнинг ўлим тўшагида ётган асраб олган онаси хакикий кариндошларини топишга рози бўлган эди. Кўлида хакикий ота-оналари хакида маълумот излашга рухсати бўлган киз расмий равишда ҳеч бир натижага эриша олмади. Ўзи тугилган тугрукхонада ишлайдиган оддий одамлар ёрдам беришди. Энг ёмони, хакикий ота-онасини излашга киришган асранди фарзанд, бу йўлдаги ҳар қандай натижага тайёр туриши керак. Қандай ота-она топилиши ахамиятга эга эмас. Жамият сенинг тақдирингга хўжайин бўлишни истайди, эҳтимол, шундай бўлиши ҳаммага яхши бўлса керак деб ўйласа керак: сенга – оилага, оилага – болага. Бирок жамият сендан унутиб юбориш, хотирангдан ўчириб юбориш мумкин бўлмаган нарсани талаб қилиши - адолатсизликдир. Жамият сендан ўзингни, томирларингни билиш учун қилаётган ҳаракатларингдан воз кечишга мажбур қилади. Жамият “Мана, асраб ол, сўнг улар ўзининг хакикий онасини излашга тушади!”, - дея хайкиради. Шунга ўхшаш сўзлардан сўнг, сен ўзингни айбдор ҳисоблашни бошлайсан.

Хакикий ота-оналарини излашга қарши бўлганларнинг фикрича, асраб олиш ҳолати юз берганда оила бу мурувват, бола эса мурувват кўрсатилган тараф. Бирок, қандайдир бир оила бола асраб олмакчи бўлганида улар икки сабаб ила бу ишни амалга оширадилар: улар болага ёрдам бериш учун ёки ўзларига ёрдам қилиш учун бола асраб оладилар. Ёлғизлик, фарзандсизликдан, баъзилар қандайдир моддий ёрдам учун ҳам бола асраб олиш учун (баъзи минтакаларда асраб олувчилар учун нафақа берилади ёки кимларгадир уй олиш учун сертификат берилади). Кимларгадир рўзгор учун кўшимча ёрдамчи қўллар керак (бу қишлоқ жойлар учун жуда долзарб). Мен бола асраб олганларнинг болаларини қайта болалар уйига топшириб юборганлар хакида лом-мим демаяпман. Қайтариб берган бундан асраб олувчилар хакида нима ҳам дейиш мумкин? Улар кимга мурувват кўрсатишди?..

Бу хакида менга интернетдаги ижтимоий тармок фойдаланувчиларидан бири ёзди. Саҳифамда қисматим билан боглик пост қўйгандим. Шахсий хабарлар саҳифасига мактуб келди. Мактуб муаллифининг розилиги билан уни чоп этишга қарор қилдим:

## ЮЛДУЗ ХИКОЯСИ

“Ассалому алайкум! Саҳифангизга жойлаштирилган блогпостни ўқидим. Жаноб, ўзингиз билмаган ҳолатда кўнгул яраларимга тегиниб қўйибсиз. Мен ҳам етимман. Асрандиман. Энг ёмони, икки марта, икки оила томонидан асраб олинганман. Мени эса биринчи оила етти ёшимда асраб олишган. Ўша воқеа ҳеч эсимдан чикмайди. Болалар уйининг директорини “ойижон” дердик. Ўзи биз болалар уйида катта бўлган болалар турмушга чиккан, чикмаган барча тарбиячиларимизни “Ойи” деймиз. Худди ўз онамиздек меҳримизни қўйганимиз учун бизни асраб олишларин ҳам истамасдик. Лекин тарбиячи-ойиларимиз:

— Сизлар бу ерда вақтида ўқиб, кўнглингиз тусаган овкатларни еб, тоза чойшабларда ухлаб, яйраб яшашингиз мумкин. Лекин эрта бир куни улгайиб жамиятга кўшилганингизда “Детдомнинг боласи!” деган тавк билан юришингизга тўғри келади. Шунинг учун болага мухтож оила асраб олмокчи бўлса, боришингиз, ўша оилага сингиб, ўз фарзандидай бўлишингиз керак. Айниқса, киз бола учун хаёт жуда мураккаб. Киз бола узатилиши, бир оиланинг бекаси бўлиши керак. Шунинг учун ҳам оилавий мухитни кўришингиз керак,- дейишарди. Сиз биласиз, жаноб, етимлик, ота-онасизлик, ташландиклик болани ёшидан аввал улгайтиради. Етти ёшимда 10-12 ёшли боладек фикрлар эдим. Бола асраб олмокчи бўлганлар мени фарзандликка танлашганида директор ойимга ёпишиб каттик йиглагандим. Негадир, мени бораётган оилада мени меҳр-мухаббат эмас, маломат ва жаҳолат кутаётганини бола кўнглим билан хис қилганмидим. Хуллас, директор ойим мени эркалаб, “Юлдуз кизим, ўз оиланг, онанг, даданг бўлади. Сен яхши кизсан-ку, йигламайсан. Аклли киз бўлиб, мени, ойиларинг, ўртоқларингни кўргани келасан”, деб қайта-қайта юпатдилар. Йиглаганимда менга кўшилиб асраб олмокчи бўлган аёл ҳам йиглаганди. Мени овутишга уриниб, ўпиб-суйганди. Балки шунданми, меҳрим тушиб улар билан кетдим. Узокда туришар экан. Вилоятнинг чекка кишлоқларидан бирида. Баланд қурилган, дарвозаси катта, хашамдор уйга келдик. Бошида менга роса меҳрибонлик қилишди. Худди болалар уйдагидек алоҳида хона ажратишди. Мазали овкатлар, егуликлар. Деярли, хар куни меҳмонга олиб боришарди. Уйларига меҳмон чакириб мени кўрсатишарди. Орадан бир ойларча вақт ўтиб мен мактабга чиқа бошладим. Биринчи синфга. Мактабга чиққунимгача болалар уйини, тарбиячи, ўртоқларимни соғинмаган эдим. Мактабга чиққан биринчи кунимда уларнинг ўрни билинди. Ўқитувчи мени бир киз билан бир партада ўтиргизганди, онаси жанжал кўтариб кизини бошқа билан ўтқизди. Мени асраб олган онам аёлдан жаҳли чиқиб уришиб кетишди. Хуллас, кишлоқ жойи шунақа экан-ки, ота-оналар боласига “Фалончи билан ўйнама, у асранди”, “Фалончининг кизи билан гаплашма, у хароми” деган гапни бемалол гапиришар, болалар ҳам маънисини ўзлари тушуниб-тушунмай: “Сен харомисан!”, “Сен асрандисан!” деб маломат қилаверишади. У ерда икки йил яшадим. Мактабда ўқитувчим ҳам, ўқувчилар ҳам мени камситишар, мени асраб олган оила буни билса-да, химоя қилишмасди. Айтганча, уларнинг бир ўгли ҳам бор эди. Менимча, ўғлидан кейин бошқа фарзанд кўрмаган бўлишса керак. Чунки у бола мендан анча катта, аллакаерда лицейда ўқир, душанба куни кетиб, шанба куни тушдан кейин келарди. Оиланинг ўгли мендан жирканар, мени жуда ёмон кўрарди. Бир куни онаси менга:

— Акангнинг пайпоқларини ювиб кўй!- деганди, шиддат билан келиб кўлимдан пайпоқларини тортиб олиб, онасига:

— Ювсангиз ўзингиз ювинг, бу мени нарсаларимга тегмасин!- деб бақирди. Мени биринчи марта асраб олган аёл ҳеч қачон мени бола ўрнида кўрмаган. Унга тайёр хизматкор эдим. Хатто кўлимдан келмайдиган, кучим етмайдиган ишларни ҳам буюрарди. Эпложмасам калтаклаб хўрларди. Гарчи ўзига тўк хонадон бўлса-да, менга ҳеч қачон янги кийим кийдиришмас, аллакаердан эски-туски кийимларни олиб келиб кийдиришарди. Ўқишга кизикардим. Китоб ўқирдим. Асраб олган онамнинг жаҳли чиқиб:

— Сен ташландик китоб ўқиб нима қиласан, товукларга қара, кўйларга ўт юлиб келгин!- деб уйдан хайдаб соларди. Кечалари ухлаб қолганимча йиглардим. Кундузлари бир пана



жой топсаму тўйиб йиглаб олсам, дердим. Болалар уйини кўмсардим. У ердаги меҳр-мурувват, беминнат эътибор, гамхўрликка зор эдим. Хўрлик ва тахкирлар гўдак жонимни шу нечалик уйдан бездирдики, бир куни онамнинг сумкасидан пул ўгирлаб уйдан кочиб кетдим. Болалар уйининг сони эсимда колмаганди. Лекин директор ойим билан ва тарбиячиларнинг исмлари юрагимга ёзилган эди. Уйдан ҳеч кимга билдирмай чиқдим, махалла бошидаги бекатдан автобусга ўтирмадим. Кўни-кўшни билиб қолиб, тутиб уйга олиб келади деб кўрқдим. Пиёда бир канча йўл юрдим. Ўша пайтдаги холатимни эсласам кўркувдан юрагим тарс ёрилади. 9-10 яшар кизча кўркмай уйдан кочиб, болалар уйини излаб кетиши мен учун ҳозир кўркинчли холат. Чарчаб колгандим, бир жойда ўтирдим. Кўрқдимми, корним очдим, негадир йиглагим келди. Хўнг-хўнг йиглай бошладим. Эшак минган бир бобо ўтиб кетаётди менга кўзи тушди. Гапга солганди йиглаб болалар уйини кидириб кетаётганимни, йўлда адашиб колганимни айтдим, асраб олинган уйимдан кочганимни айтмадим. Бобо “кимнинг кизисан, болам?” деб сўрайверадилар. “Ота-онам йўк, болалар уйига кетяпман” деб йиглайвераман. Охири, йўлдан ўтиб кетаётган машиналарнинг бирини тўхтатиб нималарнидир гаплашишди. Сўнг мени ўша машинага чиқариб юборди. “Машинада болалар уйига етиб оламан” деб роса кувондим. Лекин афсуски, у одам мени туман ички ишлар идорасига олиб борди. Бир кеча ўша ерда ётдим. Менга ўхшаган уч-тўртта уйдан кочган, адашган болалар бор экан. Бизга овкат, ётоқ беришди. Лекин мен уларга факат болалар уйини кидираётганимни айтдим. Асраб олган ота-онамникига қайтишни истамасдим. Уларнинг кўлига тушсам мени аямай дўппослашларидан кўркардим. Бир неча марта онам калтаклаган, отам томошабин бўлиб ўтирган эди. Бирибир ички ишлар ходимларининг ўзлари маълумот топишибди. Ота-онамни чакиртиришди. Улар етиб келганин кўриб дахшатдан чинкириб бир милиция формасидаги опага ёпишиб йигладим. Ўша ерда қаердан куч берди, Худойим, билмайман, опага ёпишиб йиглаган кўйи:

— Мен булар билан бормайман, Саида ойим(болалар уйининг директори)га бораман, булар мени уришади, хар куни иш буюришади, китоб ўқисам уради,- деб бакирдим. Шу билан нималардир бўлиб, кун бўйи яна ўша ерда колганмиз. Бу гал асраб олган ота-онам, болалар уйимизнинг директори Саида ойим ҳам келганлар. Ойимга йиглаб ёпишдим. Шу ўтган икки ярим йил ичида мени бир марта ҳам болалар уйига, ойим, ўртоқларимн кўргани олиб боришмаганди. Уларни жуда согинган эдим. Хуллас, мен яна болалар уйига кайтдим. Ва бошка ҳеч кимга фарзанд бўлмасликка аҳд килдим. Ўқидим. Спорт тўғаракларига катнашдим. Тўққизинчи синфни тамомлаш арафасидалигимда яна одамлар келиб, фарзандликка бола олишмокчи эканини, уларга ёши каттарок бола кераклигини айтишибди. Гурухимизда бошка миллат болалари кўп, ўзбеклар оз эди. Яна ўша оила мени танламокчи бўлди.

— Бормайман!- дедим кескин.- Менга ота-онанинг кераги йўк. Саида ойим ҳам отамиз, ҳам онамиз. Мен ўқийман, ўқишга кираман. Кишлоқда яшамайман!

— Булар кишлоқдан эмас, кизим,- дедилар Саида ойим.- Сендан катта кизлари, ўғиллари бор экан. Болалари Университетларда ўқир экан. Агар боласи бўлсанг сениям ўқитишмокчи...

— Мен бир оилага боргандим, тинимсиз иш буюришади, китоб ўқисам уришарди,- дедим

мехмон аёлга караб. – Мени бирор марта кизим демаган, мен “онажон” дердим. Улар “анави” дейишарди. Сиз хам шунака киласиз!

— Йўк, кизим,- деди аёл махзун охангда.- Бизникида сизга ўхшаган опа-акаларингиз бор. Уларни хам “болам”, “кизим” дейман. Сиз мен билан юринг, бир хафтача яшаб кўринг, уйимиз, опа-акаларингиз сизга маъкул бўлса, бизга фарзанд бўласиз, йўкса, кайтиб келасиз...

Бу таклиф Саида ойимга хам, менга хам маъкул тушди. Эр-хотинларга эргашиб уйига бордим. Шахарда туришаркан. Йўл-йўлакай гаплашиб келдик. Эркак рулда, аёл орка ўриндикда менинг кўлларимни тутганча келдик. Икки киз, икки ўгли бор экан. (Улар хам асранди эканини, учинчи ота-онам фарзанд кўрмаган, бадавлат одамлар бўлгани учун етмиларни савоб йўлига бокканини кейинчалик билдим). Кизлар югургилаб олдимга келишди. Хоналарига олиб кириб, китобларини, ўзига тегишли нарсаларини менга бериб кўнглимни олишга уринишди. Бир ўгил, бир кизлари Университетда ўқиркан. Колган иккитаси мактабда. Иккинчи кизлари мен билан тенгдош экан. Бу уйда самимият, мухаббат ва иликлик тафти бор эди. Онамиз жуда мулойим аёл, меҳрибон. Отамизнинг хар бир сўзлари хикмат, Алхамдулиллах. Мен шу оилада тарбияландим. Оила мукаддаслигини, инсонларга раҳм-шафкат билан муносабатда бўлишни, мухими, исломни танидим, алхамдулиллах. Олий ўқув юртига ўқишга кирдим. Тахсилнинг илк йиллари онам мени излаб топди. Ўшангача хақикий ота-онам кандай одамлар бўлган экан, деган ўй менга ором бермасди. Болалар уйидалигимда тарбиячиларимдан сўрагандим. Отам вафот этганини, онам каерданги номаълумлигини айтишганди. Ўйлардим, эзилардим, “Ўз онам, ўз отам, ўз оилам бўлса мен хам бахтли бўлардим, ҳеч қачон йигламасдим” деб армон килардим, лекин ҳеч қачон уларни кидириб топишни ўйламаган эканман. Онам мени излаб уйимизга келганида уни кўриб аввалига багрига интиккан бўлсам-да, бир зумда бу интилиш ўрнини совукконлик эгаллади. Онам йиглади. Ўксиниб-ўксиниб йиглади. Чакалоклигимда автохалокатга учраб отам вафот этган экан. Онам эса мен ва уч ёшар акамни болалар уйига жойлаштириб, тирикчилик учун хорижга иш излаб кетади. Онамнинг оналари анча йил олдин ўтиб кетган, онам ўгай она кўлида ўсиб, узатилган эканлар. Дадамнинг вафоти билан оиламиз парчаланиб кетади. Бувим — дадамнинг онаси онам билан икки боласини уйдан хайдаб чиқаради. Турган гапки, онамнинг ўгай онаси икки бола билан турмуши бузилган ўгай кизини уйда хушламайди. Хуллас, биз етим бўламиз ва онам Ўзбекистонни тарк этадилар. Баъзан бу аччиқ қисматда онамни айбдор қилишни истамайман. Мажбур бўлган-да, иши бўлмаса, кайнонасининг уйига сигмаган, ота уйдан бадарга бўлган аёл икки болани кандай бокарди, болалар уйида моддий жихатдан кам-кўстсиз яшадик-ку, деб онамни оклашга уринаман. Аммо бизни болалар уйига жойлаштираётганда онам фарзандликка олувчилар болаларимни асраб олишса хам майли, мен безовта килмайман, деган мазмунда тилхат берган эканлар. Хуллас, акамни беш ёшида бир оила асраб олиб кетган экан. Беш ёшли гўдақ кизалок синглисини каердан билсин? Онам чет элда турмуш курган, у ерда хаёти яхшилигини, икки ўгли борлигини, моддий имконияти яхши, турмуш ўртоғи бадавлат одамлигини айтди.

— Акамни излаб топинг,- дедим.- Каерда, ким билан бўлсаларингиз хам соғ-омон бўлинглар, факат менинг хам жигарларим, онам борлигини билсам бўлди. Сизлардан ҳеч қачон ҳеч нарса таъма килмайман...

Онам узок йиглади. Негадир мен йигламадим. Тошга айланган эканманми ё кўз ёшимнинг бари тўкилиб бўлган эканми...

Онамга кўшилишиб акамни ҳам топдик. Акам мендан кўра онамга кўпроқ меҳрибон экан, икки кун кўз ёшини тиймади. Уйланган экан. Фарзандсиз оила асраб олишган экан, ёлгизгина бола экан, кўшни вилоятда, кишлокда яшар экан. Хозир акамнинг икки киз, бир ўгли бор. Онам хорижда яшайди оиласи билан. Бориб –келиб юрибмиз. Ўзим рус тили ўқитувчисиман. Оилалиман. Икки фарзандим бор. Етимлик, оилага эҳтиёж шу қадар тинкамни қуритганки, турмуш ўртоғимга бошимни кўтариб тик гапирмайман. Сал орамизда хафачилик бўлса "Болаларим кийналади" деб юрагим ўртанади. Айтмоқчиманки, асрандилик изтироблари аччик, буни ҳеч кимга раво кўрмайман, лекин баъзида ўз оиламда, ўз ота-онам бағрида хозиргидек одоб-ахлоқ ўрганмаслигим, бугунгидек мавкега эга бўлмаслигим мумкин эди. Аллох мени шундай хулқ ва сийратда кўришни истагани учун етимлик синови билан имтихон қилган, деб ўйлайман. Сиз хакингизда ҳам мулоҳазам шундай. Мени тинглаганингиз, вақтингизни ажратганингиз учун Аллох сиздан рози бўлсин! Хурмат билан..."

Бу мактубни ўқиб аёл бардошининг нақадар қучли эканига яна бир марта гувоҳ бўлдим. Аллохнинг марҳамати, муҳаббати шуки, инсон бошига қелган ва қелаётган синовларни мусибат эмас, неъмат деб билади. Ва ҳеч кимга шикоят қилмайди. Зотан, дардингни яратилганга айтсанг кўпаяди, Яратганга айтсанг камаяди. Хамма гап мана шунда — яъни, инсон бошига тушаётган савдолар хақида фақат Роббисига шикоят қилиши ва Ундан нажот сўраб топинишида. Нажот, енгиллик, хикмат Ўзида. Унга яқинлашганинг сари дунёвий изтироблар ўз қийматини йўқотиб боравераради. Бу мен хаётда англаган энг олий хақиқат бўлди...

\*\*\*

Алдаб келинаётган асранди болаларнинг яшашлари нақадар оғир экани хақида қандайдир тасаввурга эгамисиз? Бундай бола доим унга ёлгон сўзланаётганини билиб туради. Бола рухиятини тасаввур қилаверинг. Ўзини тарбиялаётган, унга ибрат бўлиб изидан қадам ташлашга ундаётган инсонининг ёлгончи, мунофиқ эканини қалбани хис қилиб турган бола қандай қилиб у инсонга эргашади? Ундан тарбия олади? Ишонмаган инсонингдан қай тарзда ибрат оласан?..

Тугруқхонадан асраб олинган бир киз ота-онаси хақиқий эмаслиги хақида туш кўради, бундай шубҳага боришга ҳеч қандай сабаб йўқ эди, бироқ орадан кўп йиллар ўтгач, хақиқатдан ҳам у асраб олинган киз экани маълум бўлади. Аллох таоло унга ушбу йўл билан хақиқатни билдирган. Бу кўшнилари, янги қариндошлари ёки кўчадаги одамлардан эшитгандан кўра қалбга қамроқ шикаст етказса керак. Афсуски, аксар ҳолатларда шундай ҳам бўлади, шундан сўнг боланинг дили ранжиб, хафа бўлади, ҳатто асраб олган оила билан алоқаси бузилиши ҳам мумкин.

Асрандилик киматим бўлгани ё мутаассил шу масала билан кизиқиб, хақиқий ота-онам, жигарларимни излаш ҳаётий максадим бўлгани учунми, асранди болалар кимати билан боғлиқ ҳолатлар, воқеаларга кўп гувоҳ бўлганман. Жамият асранди болаларга паст назар билан қараб, унга ҳатто ўзининг насл-насаби ҳақида билишни тақиқлаб қўйса, Исломи асранди болаларга бундай муносабатни қаттиқ қоралайди. Бола учун шунчалик мураккаб вазиятни инобатга олган ҳамда болани асраб олган ота-она томонидан болаларга манфаатли бўлади деб ўйлаётган ҳолларда ҳам ёлгон гапиришни таъқиқлаган шариат қанчалик адолатли, а! Шариат боланинг отаси исмини ўзгартиришни, унга ўз фамилиясини беришни, уни ўзининг хақиқий фарзандига ҳуқуқ жиҳатидан тенг қилишни тақиқлайди. Шариат, болани асраб олган ота-онага унинг хақиқий ота-онаси тўғрисида маълумот беришларини мажбурий қилиб белгилайди.

Болалар ҳуқуқи ҳақидаги конвенцияда бола “ўз ота-онасини билиш ҳақига эгадир” дея таъқиқланади. Қонунларда эса болани асраб олиш сири ҳимоя қилинади, уни ошқор қилиш учун эса жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

Асраб олинган болалар ҳаёлидаги тасаввурлари тўлиқ бўлиш учун ўзининг хақиқий ота-оналарини излашади. Томирлари ким эканини билмай қандай яшаш мумкин? Қимлигини қаерданлигини билмасанг - бундан оғир нима бор? “Ўзиникилар ичида - бегона бўлиб қандай яшаш мумкин?” Сени ҳали танимасдан туриб, сени ташлаб кетишга сабаб бўлган ҳолатларни билмайсан. Жуда кўп асраб олинган болалар ўзларининг хақиқий ота-оналари қандай кўринишга эга эканлигини узоқдан бўлса ҳам кўришни орзу қилишади. Қимдир насли қасаллиқларини билишни истайди. Шариат бўйича, нега асранди бола ўзининг хақиқий ота-онасини билиши керак бўлган сабаблар бор. Жамиятда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган, шунинг учун ҳам бундай болалар беихтиёр ўзининг хақиқий акаси ё укаси ҳамда опа ёки синглиси билан турмуш қуриб қўйиши мумкин. Улар ўзларининг хақиқий ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва қариндошлари ким эканлигини билишмайди. Ҳақиқатни яшириш қандай оқибатларга олиб қелиши мумкин эканини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Яқин қариндошлар бир-бирини билмаган ҳолда никоҳдан ўтишлари мумкин. Бу жуда қўрқинчлидир ҳамда буни кейин ўзгартириб, тўғрилаш мумкин эмаслиги эса янада қўрқинчлидир. Асранди бола уни фарзандликка қабул қилганининг меросидан ХЕЧ НАРСА олишга ҳақли эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, у уларнинг меросидан умуман ҳеч нарса ола олмайди. Мерос фақат туғилган фарзандлар орасида бўлинади. Шундай қилиб, асранди бола олдида қуйидаги танлов қолади: ёки қонунга амал қилиш ва мероснинг ўзига тегишли қисмидан воз кечиш ёки ҳуқуқий хийла ишлатиш ва уни асраб олган оила билан қелишиб, ўз меросини ҳадя сифатида олиш. Асранди фарзанд ўзини асраб олган оиладан ҳадя қабул қила олади. Ота-она ўз асранди фарзандига бойлигининг 1/3 қисмидан ошмаган қисмини ҳадя қилиши мумкин. Шариатга кўра, ўз ота-онасининг меросига тўла ҳақли бўла туриб, бу ҳуқуқдан маҳрум бўлишади. Бу билан бундай болалар фақат мерос олиш учун ёки қандайдир бошқа мулкка талаб қилиш учун ўзининг хақиқий ота-оналарини излайди деган ҳаёлга бориш нотўғри. Қандайдир тушунарсиз муаллақ ҳолат бор, бизга тегишли бўлмаган нарсани олишга мажбур қилишади, қонунан ўзимизга тегишли бўлган нарсани олиш эса тақиқланган. Асранди қиз ота-оналари ёки акалари олдида ўранган бўлиши керак, чунки улар маҳрам эмас. Асраб олган она ҳам асраб олган ўгли вояга етгач ўраниши лозим бўлади. Агар асраб олган она асраб олган боласини гўдақлигида эмизган

бўлса бола ва бошка оила аъзолари ўртасида сут оркали кариндошлик пайдо бўлади. Бирок бу ҳолат жуда нодир ҳисобланиб, асосан болаларни фарзандсиз оилалар асраб олишади.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг ушбу масалада шундай деганлар: “Бошка ота-она қарамоғига, «фарзандлиғига» олиб, тарбия қилинган бола Ислоҳ фикҳида “асранди бола” дейилади. Етимни, ёки қийинчиликда қолган оиланинг боласини олиб, шариат ҳукмига мувофиқ боқиб, тарбиялаш жуда ҳам савоб иш. Лекин Қуръони қарим (Ахзоб, 4–5) ҳукмига қўра, бировнинг боласини «ўз фарзандим» дейиш ҳаромдир. Бундай қилган одам гуноҳкор бўлади. Тутинган ўғил фарзанд ўрнига ўтмайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло: тарбияга олинган фарзандларни асраб олган одамнинг номи билан эмас, ўз ҳақиқий отаси номи билан қақиринлар, деб тўғри йўлга ҳидоят қилади. Мабодо асраб олинган боланинг ҳақиқий отаси қим экани маълум бўлмаса, улар сизга Ислоҳ дини бўйича «қардошларингиз ва дўстларингиздир». Илоҳий ҳукм: “дин қардошим” ёки “дўстим” деб муқожаат қилишга буюради, “Ўғлим”, “фарзандим” деб муқожаат қилиш дуруст эмас.

Инсон наслини сақлаб қолиш асосий илоҳий масалалардан бири бўлганидан ниқоҳ, талоқ, идда ва шунга ўхшаш қўпгина шаръий ҳукмлар юриқилган. Булар ҳаммаси инсон наслининг тоза, пок, очик-ойдин ва шаффоқ бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳаром-ҳалол аралашиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, ака синглисини, сингил ақасини танимайдиган бўлиб қолади. Инсоният ҳалоқатга учрайди. Насли бегона болани ўз наслидан бўлган болалари қаторига қўшиш билан қўпгина ҳаром-ҳариш ишлар юзага қақади: маҳрамлик-номаҳрамлик қоидалари бузилади; бир қун қелиб, ота ўз қизига ёки ака синглисига уйланиб қолиши эҳтимоли вужудга қелади; мерос масаласида ва бошка қўпгина масалаларда ҳам ўнглаб бўлмас ҳатолар юзага қелиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ислоҳда бу иш ҳаром қилинган. Айни чоқда, асранди бола бировни «отам» деб танлаши ҳам қатта гуноҳдир. Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қим ўзи қила туриб отасидан бошқанинг боласиман деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», деганлар...” (“Тафсири Хилол”. 2-нашр. 4-жуз. Т., «Шарқ»)

Маълумқи, ниқоҳланаётган инсонларга исми ва отасининг исми билан ҳутба ўқилади. Бир диндош синглимиз билан айни шундай ҳолат билан боғлиқ аянқли воқеа рўй берган эканқи, унинг аламли ҳиқояси қўнгилни титратади.

## **ОРЗУГУЛ ХИҚОЯСИ**

“Ассалому алайқум, ҳурматли Абу Муслим. Мен ҳаётим билан боғлиқ ақчик ҳиқояни сизларга айтиб беришга ҳазм қилдим. Тоқи, ўқиган инсонларнинг мудроқ виждони уйғониб, ҳаётда менга ўхшаган қўнгли яримларнинг шу ярим қўнглига ҳам тош отғувчилар

килмишларини тахлил килишса. Мен оиламизнинг тўнгич фарзандиман. Ота-онам менга “Сени ўн беш йил кутганмиз. Ўн беш йил деганда Аллох бизга киз фарзанд берди” дейишарди. Мендан кейин икки укам тугилган. Мен ҳеч қачон ўзим ҳақимда асранди бола деган ҳаёлга бормаганман ва бундай нарсалар ҳаёлимга келмаган. Жуда эрка-тантик, ота-онамнинг арзанда кизи эдим. Айникса, дадам мени жуда яхши кўрардилар. Ўн уч- ўн тўрт ёшимгача дадамнинг тиззаларида ўтириб овқатланардим. Укаларимнинг бири мендан бир ярим ёш, иккинчиси уч ёш кичкина эди. Бирин-кетин қувалашиб ўсдик. Ота-онам укаларимдан ҳам мени кўпроқ яхши кўрардилар. Дадам эркалаб-суйиб:

— Юзимни ёруг килган Орзуим!- деганларида кўнглим тоғдай викор оларди. Мен ерда юриб эмас, ота-онамнинг кўллари кафтида улгайдим. Жуда кичкиналигимдан тиллою зебу зарларга буркадилар мени. Мактабда ўқитувчиларим тилла такинчок такиб келмаслигимни айтиб танбех берса, онам югургилаб бориб ўша ўқитувчини уришиб келардилар. Хуллас, мен кизалоклар тугул, катта одамлар орзу қилиб эришолмайдиган ҳаётда яшардим. Албатта тарбиям ҳам шу эркаликка лойик эди. Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз эди. Мен олдинги партада ўтирардим. Оркамда кўп болали оиланинг фарзанди бўлган синфдош киз ўтирарди. Унинг кўллари каварган, ёрилган, тинимсиз меҳнат киларди. Тўғри, ўша пайтларда мен буни тушунмаганман, уни эпсиз киз деб нафратланардим. Бир куни унинг сочида битлар ўрмалаб юрганига кўзим тушиб жирканиб кетдим. Хамма синфдошларнинг олдида юзинг кўзинг демай:

— Сен битлики менинг оркамда ўтирма! Йўқол, ўзи бизнинг синфимизда ўқишинг керакмас эди. Агар битинг менга ўтган бўлса, ойижоним сочимдан бит топсалар, сени синфимиз тугул, мактабдан ҳам хайдаб юбораман!- дебман... Киз чинкириб йиглаб синфдан чиқиб кетди. Галабамдан мамнун эдим. Дугоналарим ҳам доим чиройли кийинадиган, шоколад билан сийлайдиган мендай дугонаси борлигидан хурсанд, синфдан йиглаб чиқиб кетган синфдош кизни масхаралаб кулардилар. Мана шу кун, бир мазлумани бола кўнглини болаларча андишасизлик билан синдирганим ҳаётимнинг муҳим бурилиш нуктаси бўлди. Ўша куни мактабдан уйга қайтганимда дарвозамиз тақиллаб, синфдош кизнинг онаси кизини етаклаб кириб келди. Салом-аликка ҳам сабри чидамай онамга бакира кетди:

— Кани анави, хароми, асранди кизингиз?! У ҳаддини билмас экан, ўзим кимлигини тушунтирай деб келдим!..- Онам ханг-манг эдилар. Бакир- чакир овозидан кўрқиб кетиб ташкарига чиккандим, менга кўзи тушган аёлнинг жазаваси бадтар кўзиди:

— Хой, бузук студентнинг ташландик харомиси, шумкадам! Кизимнинг сочида бити бўлса, товони кир бўлса ҳам ҳалол никоҳдан тугилган, ўз ота-онасининг бағрида яшайди. Сен сочи тоза, товони оппок ташландик, харомисан! Онанг сени пахта даласидами, ётоқхонанинг шалок кроватидами ортириб олиб, тугиб, шармандаликка чиқолмай мана буларга сотиб юборган. Сен тилингни тийиб юргин, битдан ҳазар қилишингни ҳаммага билдириб олифталик килма, сендан хамма ҳазар қилади, аслида!..

Аёл шангиллаганча ховлидан чиқиб кетди. Анчагача овози кўчадан ҳам эшитилиб турди. Онамнинг ранг-рўйга қараб бўлмас, чўқиб қолган жойидан туролмай қолганди. Мен

нималар бўлганини тушуниб-тушунмай йиглардим. Синфдошимнинг онаси айтган гапларни тушунмаган бўлсам-да, бир хакикатни яхши тушуниб тургандим — мен уйда яшаётган одамлар хакикий ота-онам эмас. Унда менинг ота-онам ким, каерда улар? Нега мен бу ерда яшаяпман?..

Ўша воқеадан кейин ота-онам менга йиглаб асранди эканимни, узок йиллар фарзанд кўрмай, ажрашиб кетмаслик учун тугрукхонадан бола асраб олганларини айтишди.

— Сен туфайли уйимизга, калбимизга шодлик кириб келди, сен бизнинг хакикий фарзандимизсан! Пойикадаминг хуш келиб, икки ўгиллик бўлди. Ўзинг биласан, сени хатто укаларингдан яхши кўрамиз,- дейишди. Уларга ҳеч нима демадим. Лекин ўшандан кейин мактабга боришни хохламадим. Бир огиз “Энди бу мактабда ўкимайман” дегандим, ҳеч ким эътироз билдиришмади. Шахарга, холамнинг уйига юборишди. Мактабни ўша ерда давом эттирдим. Хола-тогаларим ҳам мен яхши кўришарди. Эркалашарди. Лекин мен аввалги Орзугул эмасдим. Холам намоз ўқирдилар. Уларга кўшилиб намозни ўргандим. Намоз ўқисам, рухим енгил тортар, кайгуларим унутилар эди. Холам ҳадис китоблар олиб берардилар. Ҳадисларни ўқирдим. Тушунмаган жойларимни холамдан сўраб олардим. Ислонни таниш мени анча улгайтди. Мактабни тамомлаб олий ўқув юртига ўқишга кирдим. Ислонни чуқур ўрганиш, Аллоҳга бўлган муҳаббат мени араб филологиясига етаклади. Таҳсил мобайнида ўқиб- ўргандим. Миср араб Республикасига саёҳат килдим. Бир караганда, мендан бахтиёр инсон йўқ эди. Лекин ичимдаги изтироб, алам ва хижолатлик бир ўзим ва бир Роббимга аён эди. Ўзим униб-ўсган кишлокка боргани хижолат чекардим. Синфдош киз билан бўлган хунук воқеа бир лаҳза бўлмасин хаёлимдан кўтарилмасди. Дугоналаримнинг никоҳ тўйларига ҳам бормадим. Одамлар мени кўрсатиб: “Анави, валади зино, ташландик, асраб олинган” деб маломат киладигандек туюлар, одамлар орасида юзим ловуллаб ёниб, ўзимни кайга кўйишни билмасдим. Бора-бора одамлардан узоклаша бошладим. Камгап, одамови бўлиб бораётганимни ота-онам бетобликка йўйиб жуда сиқилиб кетишди. Юрагимда улкан хафалик бор эди. Аммо бу ранжиш кимга аталганини билмасдим. Хакикий ота-онам (Бир лаҳзалик шахвоний нафсини тиёлмай, бадномликдан мени етти ёт бегона одамларга бериб юбориш билан қутулмокчи бўлган кимсаларни ота-она дейишга тилим бормаса-да)данми ёки мени бир парча гўштлигимдан то ҳозиргача кўзининг қорачугидек асраб-авайлаб боқиб ўстирган ота-онамданми ёинки хаётданми, билмасдимки, кимдан хафаман...

Менимча, хакикий ота-онам ҳеч қачон мени кидирмаган бўлса ҳам керак. Боқиб олган ота-онам ҳам улар хақида ҳеч нарса билишмайди. Уларга “Бир талаба киз хомиладор бўлиб қолган экан, учрашиб юрган йигити ташлаб кетибди. Киз боладан воз кечяпти, кишлоғика бола билан боролмас экан” дейишган. Туккан онам мени бир марта ҳам эмизмаган экан. Боккан онам сунъий сут ва озиклантирувчи маҳсулотлар билан боқиб катта қилган эканлар. Хуллас, шўрпешона, этагига тавки лаънат ёпишган бир бадбахтман. Афсуски, бу бахтсизликда менинг заррача айбим бўлмаса ҳам ҳамма маломат менинг бошимга ёгилади. Ота-онам балки хаётда йўлини ўрнини топиб кетгандир, бироқ мана шу тамга — ташландик валади зино эканлигим хаётда ўрнимни топишим, оила қуришимда ҳалал берди.

Холаларимникида юрганимда тагли-тугли хонадондан совчилар чикди. Инон-ихтиёрим ота-онамда бўлгани учун совчилар уйимизга бориб исми-расмини килмагунича куёв билан учрашмадим. Унаштирилганимиздан кейин куёв билан учрашганда ҳам такдирим хакида гап очмадим. Ўйлабманки, катталар хаммаси ўзаро гаплашиб олишган, куёв бўлмиш мен хакимда хамма гапдан хабари бор. Тўй куни белгиланди. Куёвни менга такводор, илмли йигит дейишганди. Никох ўкитишдан олдин ундан ўзим билан боглик холатим хакида сўрамокчи бўлдим.

— Тушунмадим, асрандимисиз?!- Саволимдан хайратланди у.- Хали отангизнинг кимлигини, унинг исмини хам билмасангиз керак?..

— Хакикий ота-онам кимлигини билмайман. Мен тугилган тугрукхонада онамга доялик килган доя-шифокор рус миллатига мансуб аёл бўлган экан. Анча олдин у Россияга, якинларининг олдига кўчиб кетибди. Ўзим хакимда хеч кандай маълумот ололмадим. Никох ўкилаётганда менга асраб олган отамнинг исми билан мурожаат килинса бўладими, деб шунга сўраётгандим...- Кўнглим алланечук дилсиёхликни олдиндан сезиб калкиб кетди. Йигит ўйга ботиб колди. Бироз сукутдан кейин кетишга чоғланиб:

— Майли, кўнгироклашамиз. Мен бора қолай,- деб совуккина хайрлашиб кетди. Тўй тўхтатилди. Куёвнинг онаси “Ўглим илмли йигит, набираларим тагли-тахтли, насл-насаби аник хонадоннинг кизидан дунёга келишини истайман. Кизларингиз яхши, лекин хамма гап конда, налда! Биз насабининг тайини йўк кизни келин килмаймиз!” дебди онамга. Онам боякишнинг кон босимлари кўтарилиб, анча пайт бетоб ётдилар. Албатта тўйимнинг бузилгани менга хам озмунча ситам етказмай колмади. Бирок аввалдан шундай холатларга тайёр бўлганим учун бироз осон енгдим, шекилли. Шу воқеа сабаб бўлиб хакикий ота-онамни кидиршга тушдим. Аввалига онам мунгайиб колдилар. “Ота-онасини топса биздан воз кечиб кетади” деган хаёлга бордилар чоғи. Аммо хеч қачон бундай ўйламаганман. Мен учун мени шу даражага етказган ота-онам хаммадан азиз ва хурматли. Нонқўр эмасман, хаммасини биламан, алхамдулиллах. Бирок аслиятим, насл-насабимни билиш учун хам менга хакикий ота-онамни топиш муҳим эди. Юрагимни ўртайдиган бир жавобсиз савол бор эди: “Отамку мен тугилмасдан валади зино боланинг юзқаролигидан ўзини соқит килиб, мендан воз кечибди. Нахотки онам бир марта бўлса хам мени эсламади? Кидириб кўрмади?.. Бу оғрикли савол аввал фақат калбимда, ўзимда пинхон эди. Охири бир куни онамдан сўрадим.

— Бола асраб олинаётганда боласини бераётган одамга бу шартлар кўйилади. Яъни боланинг хакикий ота-онаси хеч қачон уни изламасликка, асраб олган хонадоннинг тинчини бузмасликка келишилади...

— Бу нотўғри-ку? Мана, оқибати яхшилик бўлмади-ку, ойи? Менга ўхшаган канча одамлар хакикий ота-онасини тополмай, аслияти кимлигини билолмай сарсон юргандир!

— Билмасам, болам, билмадим. Такдирнинг ишлари-да, нима дейсан, энди? Бола асраб олаётганлар асранди боласи ўз фарзандидек бўлишини истайди. Хеч ким асранди боласи катта бўлиб, ўз оиласи топилгач, асраб олган оиласини ташлаб кетишини истамайди.



— Бу инсон устидан хукмронлик-ку, ойи? Мутлако нотўгри. Шариат ҳам буни ёкламайди. Бировнинг боласи ҳеч қачон инсонга ўз боласи бўлмайди!..- Бу гапим онамга малол келдими, хўнграб йиглаб юбордилар. Кўнгилларини огритишни истамасам-да, ҳақиқат шу эди. Ўша кундан бошлаб ҳақиқий ота-онамни излашга тушдим. Отамни топишдан умидимни узган эдимкуя, лекин онамни излаб топишимга ишонардим. Бирок ҳар қанча ҳаракат қилмай, бу муаммоимнинг мушкулотига ечим тополмасдим. Афтидан, доя аёл онамни расмий рўйхатдан ўтказмай, тугрукхонада бировга билдирмай яширинча тугдирган ва асраб олган ота-онамга мени пуллаган кўринарди. Одамга қанчалик алам қилади, а? Ҳам асранди, ҳам одам савдосининг қурбони бўлсанг. Бунинг устига ўз туккан онанг пулга сотиб, ҳамма ахлатни, маломатни сенга ағдариб, пешонагни шўр, сени бахтсизликка маҳкум қилиб ялло қилиб ҳаётида давом этсаю, сен шўришларингни қандай ювишни билмай, уни излаб ҳар томонга сарсон юрсанг! Бу толесизликни инсон тугул, ҳайвонга ҳам раво қўрмайман! Мана, сизга бир валади зино асранди қизнинг қисмати. Инсонларнинг ҳаётга енгил қараши, ҳалол-ҳаромни фарқламаслиги, гуноҳдан тийилмаслиги ва энг асосийси Аллоҳдан узоқлашгани сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда айбдор ва бахтсиз бўлиб қолган қиз — менинг келажак қисматим қандай бўлиши ёлғизгина Роббимга аён. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шукр ва дуони қанда қилмайман. Аллоҳнинг Ҳақиқий Дийдор қуни бор, алхамдулиллах. Ва У кунда ҳамма ўз ҳаракати учун жавоб беради, ҳисоб беради. Ана шу ҳақиқат қалбимга ҳаловат бағишлайди. Хурмат билан Орзуғул...”

Бу муслима синглимизнинг мактубини ўқиб бир пайтлари ўзим чеккан изтироблардан қолган жароҳатим тирналди. Мен ҳам ўзимни валади зино бўлсам керак, онам никоҳсиз бола орттиргани учун мени тугиб, ташлаб кетган бўлса керак, деб ўйлардим. Беш -олти йил аввал ёзувчимиз Тохир Малик (Аллоҳ улардан рози бўлсин!)нинг уйларида улар билан бир иш устида уларникида бир кун бирга бўлганман. Намоз вақти қирғач мени олдинга ўтказиб, имом қилиб қўядилар. Ноилоҳ Устознинг гапларини ерда қолдирмаслик учун имом бўлардим. Олдинлари “Валади зинонинг имом бўлиши макруҳ” деб эшитгандим. Шу боис жамоатларга қўп чиқмасдим, баъзан қўп эҳтимолга қўра имомликка ўтишим керак эди. Имомликка ўтиб қолсам анча вақт қатта гуноҳ иш қилгандай ич-ичимдан эзилиб юрардим. Валади зино эмаслигимни билганимда энг аввало шунинг учун хурсанд бўлгандим...

\*\*\*

Хуллас, йиллаб қутган орзуим қутилмаганда ушалди. Қичкина акам мени топди, телефон оракли суҳбатлашдик, танишдик. Қўришдик... Галати а, одам ҳам ўз тугишган ақаси билан танишадими, қирк йил ўтиб қўришадими? Отамиз ва бошқа қариндошларимиз бошқа шаҳарда, қўшни Республикада яшашар экан. Виза ва бошқа масалалар бўлиб беш-олти ой ўтгач, ниҳоят, улар билан қўришдим, алхамдулиллах! Бирок, ёшлигимдан улар учун атаб қўйган, бир умр орзиқиб, энтиқиб қутган ана шу қувончли дамларимда айтишим керак бўлган сўзларни уларга айта олмадим... Шунча вақт юрагимнинг

туб-тубида йигиб юрган дардимни, айтмокчи бўлиб юрган сўзларимни уларга айтишим тўғрими ёки нотўғри, била олмадим...

Отам ва жигарларимни кўргани боргунимча минг бир чигирикли ўй, минг битта рухий говни енгиб ўтишим керак бўлди. Кайси йўлни танлашни билмай турганимда устозим шайх хазратларига арз килиб, дарди дилимни тўкиб солдим:

— Сизга маълум бўлсинки, бундан 5-6 ой олдин йўкотган кариндош-уруғларим билан топишдим. Ўшанда уларнинг кўплаб таклифларига карамай, тугилган юртимга бориб, кариндошларим билан кўришиб кела олмадим. Паспорт ва виза масалалари муаммо эди. Энди муаммо хал бўлди, хорижга чиқиш учун паспорт олдим. Виза олишим керак (икки ойдан бери моддий муаммолар туфайли бунинг уддасидан чика олмаяпман). Бундан ташқари, йўл харажатлари бор, бемор отамга бир-икки сўм ҳам бериб келишим керак. Хуллас, бора олмаслигимга тобора амин бўлиб боряпман. Вақт эса ўтмоқда... Энди хаёлимда бормасликка бахона изляяпман. “Ўзлари ташлаб кетган, нега боришим керак ва хоказо шу каби аламзадаликка тортадиган фикрлар. Шу тўғрими?

Калбим хижрон ўтида ўртанаётгани рост, аммо боришга, кўришишга имкон йўк. Отам, акаларим кунига чакиришади, калбимдаги шундок ҳам ёнаётган оловга мой сепишади. Ўзи улар мени нега топишди, кийнамок учунми?.. Бормасам гунохкор бўлмайманми? Боришни токатимдан ташқаридаги нарса деб хисобляяпман. Шундан ўзимни бахтсиз хис қиляпман. Шу тўғрими?.. Отам ёшлигимда ташлаб кетган бўлса ҳам, унга гаразим йўк, начора, тақдир экан. Бирок, ташлаб кетган бўлса ҳам хизматини килиб, дуоларини олишим керакми? Оталик ҳақки фақат дунёга келтириш билангина хосил бўладими ёки фарзанди олдидаги ҳақларини адо қилсагинами? Акаларим билан, уларнинг фарзандлари билан деярли ҳар кун интернет орқали гаплашиб тураман. Дадам ҳар кун мени сўрар эканлар. Бормаётганимга калби ранжиса, гунохкор бўлиб қоламанми ёки парво қилмайинми?..

Шайх хазратлари роҳимахуллоҳ:

— Кариндошлик алоқаларини узманг, уларнинг олдига боринг, аммо бу ёқдагиларни ҳам хафа қилманг,- деб жавоб бердилар...

Шундан сўнг ота юртга отландим...

Дийдор онларини тасвирлашга қалам ожиз. Дийдоргача ҳар кун хаёлимда, ҳар тун тушимда кўрганим, орзу оламимнинг туман ортидаги тасвирларини англантиш тилимга огир. Бу хисни менинг ҳолатимга тушганлар, мен чеккан изтиробларни тортганлар хис қиладилар. Отам билан илк бор кўришганимда йиглаб юбордим. Ўзимни тута олмай қолдим, хиссиётларга берилиб кетдим. Йўк, берилиб кетдим эмас, балки ўзимни хиссиёт уммонига отдим, десам тўғри бўлса керак. Ёши қиркка етган, ўн ёшидан бери кўз ёши нималигини билмаган одамнинг кўзидан беихтиёр сел каби ёш оқса, қизик бўлар экан. Ўттиз йил ичида йигилиб қолган кўзёшларим ҳам кўп экан, битта томчиси ҳам қолмай, дарёдек оқиб чиқди. Ўзимдан жуда хайратда қолдим. Мен ўзимни билмас эканман, мен ўзимни назорат қила олмас эканман. Хиссиёт қучли экан, балки бу хиссиёт эмас, балки

аламдир кўзимдан сув бўлиб окиб чиккан, энди ичимда алам, дард колмадими, улар энди йўкми?..

Аллох таоло рахматининг инсон кўзида томчи-томчи холда намоён бўлишидир кўз ёшлар! Айтинг-чи, кай бир саодат ундан мазалирок, кай бир хузур ундан самимийрок? Кўп йиллардан бери согинганмиз кўз ёшларини. У ҳақда улугларни елкасида кўтарган ердан, тошлардан, бошпана бўлган уйлардан, масжидлардан сўранг! Жикка хўл бўлган жойнамозлардан, согинчи ичига сигмай тирс-тирс ёрилаётган масжидларнинг устунларидан сўранглар кўз ёш нималигини... ва бутун умр ота-онасини кўриш орзусида яшаган етимдан сўранг, кўз ёш нелигини. Асранди бўлиб яшаётганини биладиган, тенгдош дўсту ўртоқлари ота-онасига эркалик килганида, ўзини асраб олган ота-онасига музтар тикилган мургак калбдан сўранг кўз ёш нималигини! Болалар ўз ота-онасига шўхлик-бебошлик килиб, танбех эшитса илжайиб кочади, танбех эшитганида яримгина кўнгли чил-чил синиб, йиглаб юборишдан кўркканича кўксидаги хўрсиникни калбига яширган асранди болакайдан сўранг кўз ёш нелигини. Эй йиглашни унутганлар, бегаму бедардлар, йигланадиган холларига кулаётганлар! Келинлар, бегамлигимиздан воз кечиб, биргаликда йиглайлик, жахолатимизга, гуноҳларимизга, йўкотганларимизга, кусурларимиз кўплигига, туйгуларимизнинг дагаллашганига, калбимизнинг тобора каттиклашиб бораётганига йиглайлик...

Бахтли эдим. Ха, барибир бандамиз. Бандалик хусусияти билан, дунё саодатини ота-она, жигарлар билан бағрибутунликда кўрамыз. Зотан, булар ҳам Аллохнинг бандаларига берган неъмат. Мен отам ва жигарларим билан дийдор кўришиш насибини дуоларим, тунлари Роббимга ёлвориб, жойнамоз устда хўрсиниб тўккан кўз ёшларим учун Аллох таоло берган мукофоти деб ҳисобладим орзуларим ушалганини. Алхамдулиллах, энди валади зино эмаслигимдан бир севинсам, ота ва жигарларим билан топишганимдан минг қувонардим.

\*\*\*

Аммо хаммаси фақат шу қувонч билан боғлиқ эмас экан. Астойдил қувонишимга монелик киладиган ҳолат — буёқдаги ота-онам бундан хабар топсалар кай аҳволга тушишларини ўйлаш бўлди.

Болалигимдан парвариш килиб, не-не орзу-хаваслар билан мени катта килган яхши одамларга, азиз инсонларимга энди нима дейман? Биламан, уларга яхши караш, яхшилик килиш инсонийлик бурчимдир. Бирок, уларга бор ҳақиқатни қандай айтаман? Айта оламанми ўзи? Айтишим керакми ёки йўк?

Уйга қайтганим билан калбим, янги топган оила билан бирга колганди. Хар куни интернет ва бошка алоқа воситалари билан алоқада бўлиб турардик. Бу ёқдаги ота-онамга бу ҳақда хали овоз очмадим. Аммо улар бўлиб ўтган воқеалардан аллақачон

хабардор эканлар. Хуллас, булар билан қачонлардир гаплашишимиз лозим бўлган масала ҳақида гаплашиш вақти етиб келаётганди. Қирк йилдан бери кутиб юрган дақиқалар яқинлашгани сайин, мен бундан чўчишни бошладим. Бу ҳақда гап сўз бўлмасликни истардим. Аммо...

Ота-она хонамга кириб, сен билан муҳим нарса ҳақида гаплашмоқчимиз деб гап бошладилар.

Отахон:

— Аллоҳ таоло бизга фарзанд кўриш бахтини насиб қилмади. Сўнг сени асраб олдик, - дедилар. Сўнг, ота-онам яна кўп нарсаларни гапирдилар, олам йигига тўлиб кетди, гўё... Мен уларни тинчлантиришга уриндим. Пайгамбаримиз ҳаётларини айтдим. Улар ҳам етим ўсган, улар ҳам асраб олганлар дедим. Етим бокканлар пайгамбаримиз (сав) билан жаннатда бирга бўлади, деган мазмундаги ҳадисларни айтиб бердим. Йиги тўхтамади...

Онахон:

— Сен топган ва алоқа қилиб юрган оиланг, ҳақиқий ота-оналаринг улар эмас, -деб қолдилар. Мени ҳаёлимда, рашқ қилаётганидан, улардан қайтаришга уриняпти, деб ўйладим. Дунё кўзимга қоронгу бўлиб кетди.

Отахон эса:

— Сенинг отанг миллати поляк, онанг эса корейс бўлган- деб ерга тикилиб, елкалари титраб-титраб йигладилар. Ҳаёлимдан “энди бу ёғи фантастика бўлиб кетди”, деган ўй ўтди. Ота-онам сўзларини исботлашга тушиб кетдилар. Уларнинг ҳолатини “ўзларича мен учун қурашяпти, оиламни топганим уларга ёқмади, шунинг учун бу нарсаларни тўқиб айтяпти” деган ҳаёлга бордим. Тўғрида, бутун умр ўзбек бўлиб яшаган бўлсам, ўзбекларни яхши кўрган бўлсам, ўзбеклигимдан фахрланиб, уни тарихи ва адабиётини жондан ортиқ яхши кўрсам қанақа поляк, қанақасига корейс бўлай, ахир?!.. “Бу савдоларнинг охири борми?!” деган хайкирик юрагимни ўртарди. Нима тўғри, нима ёлгонлигини билолмай қархат ахволда қолгандим. Қалбим эса “Сен топган қишилар ҳақиқий оиланг, отанг тирик, жигарларинг билан топишдинг” деб тасалли берарди...

\* \* \*

Бу орда Устозим шайх ҳазратлари дорул бақога кетдилар. Кўз ёш, йигилар йигиларга уланиб кетди. Ўзимни анча йўқотиб қўйдим. Ота-онам қимлигини билиб, улар билан алоқа ўрнатиб бахтиёр ва маъсудликдан бошим еттинчи осмонда бўлганида азиз инсонимни йўқотиш ҳудди осмон ўпирилиб тушгандек бўлди... Анча вақт ўзимга кела

олмай юрдим. Вакт яраларга малхам бўлолмас экану, дардига кўниктирар экан. Айриликка секин-аста одатланиб, хаёт ташвишлари, кувончу кайгуларига шўнгиб боравердим. Мухими, калбимдаги олишувдан халос бўлиб, жавобсиз саволларимга жавоб топдим. Ушбу битикларни ўқиётганлар: агар сиз асранди бола бўлиб, бу хакида билсангиз, хакикий ота-онанингиз ким эканини аниклашга ҳаракат килинг. Агар уларни излашингиз асраб олган оилангизга озор етказадиган бўлса, улардан яшириб изланг. Агар асраб олган болангиз бўлса, уларга ўз исмлари, насаблари ва оталарининг исмларини кайтаринг. Эртами -кечми сиздан мерос бўлиб қоладиган мулкингизни олдиндан хал килиб кўйинг. Болангизнинг хакикий ота-оналари хакида бор билган маълумотларни унга айтиб кўйинг. Агар маълумотлар етарли бўлмаса, зарур маълумотларни топиб беришга ҳаракат килинг.

Агар кимнидир асраб олиш эҳтиёжи бўлса васийликни расмийлаштиришга ҳаракат килинг, бу шариатга тўғри келади. Васийликни расмийлаштириб бўлганингиздан сўнг боладан яқинлари хакидаги хақиқатларни яширманг. Асраб олинган болага бор хақиқатни айтиш - асраб олган оиланинг бурчидир. Агар улар турли бахоналар билан бунни яширишга уринсалар, Киёмат куни бу ҳақда албатта сўраладилар. Хозир кузатилаётган ва кўпчилиги катта бўлган, яъни 40-50 ёшга тўлган асраб олинган одамлар ўзларининг хакикий ота-оналари ким эканини билишга ҳақлари йўқ. Хатто асраб олган ота-оналари ўлиб кетган бўлса ҳам ёки уларнинг розилиги бўлса ҳам хакикий ота-оналарини топиш ниҳоятда кийиндир. Асраб олишни сир саклаш – совет давридан қолган эскилик сиркити бўлиб, у бугун мусулмонлар орасида хали ҳам жорийдир. Нафақат мўминлар, балки бола ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қиладиганларнинг барчаси ҳам бу одатдан воз кечиш вақти етиб келганини айтишмоқда. Келинг дуо қилайлик, аслиятини билмайдиган минглаб болалар, ўзлигини билишга муваффақ бўлишсин! Асраб олувчилар ҳам асраб олган болаларининг бу ишни нафсларига эргашгани ёки уларга қарши борганлари учун эмас, балки калб нидоси туфайли хакикий ота-оналарини излаётганини тушунсинлар! Жамиятимизда қариндошлик алоқалари эса, аниқ ва шаффоф бўлиши насиб қилсин! Омин.

Масъул муҳаррир: Умида Азиз